

ISSN 2010-9075

БЕРДАҚ атындағы ҚАРАҚАЛПАҚ
МӘМЛЕКЕТЛІК УНИВЕРСИТЕТИНИҢ

ХАБАРШЫСЫ

БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ

АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК

КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА им. БЕРДАХА

1

НӨКИС 2023 НУКУС

**БЕРДАҚ атындағы ҚАРАҚАЛПАҚ МӘМЛЕКЕТЛИК
УНИВЕРСИТЕТИНИҢ**

ХАБАРШЫСЫ

**БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ**

АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК

**КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА им. БЕРДАХА**

№ 1 (59)

2023

Каракалпакский госуниверситет им. Бердаха

индивидуаллаштириш омиллари	
Алкарар Э.М. Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизими: ислохотлар, тахлиллар ва тавсиялар	94
Темирбеков Б. О. Социально-психологические факторы укрепления семей каракалпаков.	97
Еримбетов Б. Қ. Малакали курашчилар тайёргарлигини бошқаришда машғулот ва мусобақа фаолиятини педагогик назорат қилиш	99
Усмонов Э. М. Спортда натижага эришиш муаммосига доир айрим психологик ёндошувлар хусусида	101
Махсудов В.Г. Биофизика фанидан масалалар ечиш методикаси	104
Allayarov I. K. Voleybol – jismoniy tarbiya va shaxs rivojlanishi	107
Нуруллаев А.А. Ҳарбий хизматчиларга деструктив таъсирлар динамикасини ўрганиш услубияти	111
Seytkasimov D.B. Filolog-studentlerdin lingvistikaliq kompetenciyasin rawajlandiriv mexanizmi	114
Ashurov M. A. Ta'limga texnologik yondashuv pedagogik jarayonga faol ta'sir etuvchi va uning samaradorligi	117
Сабилов С. Ж. Бошланғич синф ўқувчиларида моделлаштириш қўникмаларини шакллантириш босқичлари	120
Хожамуратов Қ.Б. Көркем өнер пәнин оқытыўда пәнлер аралық байланыс системасының әҳмийети	124
Ayimbetov N., Mirzaeva A. Science oqiw programmasi	127
Сададдинов У. У. Миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида бўлажак технология ўқитувчиларининг касбий маданиятини ривожлантириш модели	131
Xodjaeva G.A., Gaypova R.T., Turdibekova Z.M. Talabalarning ijodiy geografik qobiliyatini rivojlantirishda muammoli talim texnologiyalardan foydalanish	134
Akimov N. T. Dene madeniyati mugallimini kasiplik-pedagogikaliq kompetentligi dutilisin aniqlawda rus ilimpazlarini miynetlerin uyreniw	137
Пыасов В. Х. Júziwde shiniy procesin jedellestiriv boyinsha tiykarǵı baǵdarlar	140
Шайманова А. Э. Ўзбекистонинг янги тараққиёт босқичида инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмуни	143
Jarilkarov U.B. Erkin kurashchi qotin-qizlarning taktik tayyorgarliklari.	145
Tangriyev A. J. 14-15 yoshli erkin kurashchilarning jismoniy rivojlanganlik dinamikasi	147
Haydarov R.M. Texnologiya fani o'qituvchisini kasbiy kompetentligini rivojlantirishning didaktik imkoniyatlari	150
Айтымбетов Н., Абдуллаев М., Алламбергенов Г. Курамалы қозғалысларды компьютерлик технологиялардың жәрдеминде оқытыў	152

ИСТОРИЯ. СОИОЛОГИЯ. ФИЛОСОФИЯ. ЮРИСПРУДЕНЦИЯ.

Абдуллаев М. С. Махтумули Фироғийнинг фалсафий қарашларида инсон моҳияти талқини	160
Юлдашев Ю.Х. Хоразм тарихини ўрганишда xviii-xix асрга оид архив манбаларининг тутган ўрни	162
Тоғаев Н. Э. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ғоявий-мафкуравий асослари	166
Xoliqov Y. O. Millatlararo baǵ'rikenglik madaniyatda axloq tamoyillarining ijtimoiy xususiyatlari	168
М.Туребеков, Ж.Ҳакимниязов, А. Алимбетов Топырақ қала естелигиндеги археологиялық изертлеўлер (Қоңырат районы).	171
Турсунов А. Б. Озодликдан махрум қилиш жойларининг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда замонавий технологияларни жорий этиш	174
Тожиёв А.С. Туризм тараққиётида хива шаҳрининг тутган ўрни	178
Тулаганова М. К. Влияние античной философии на диалектическое учение аль-фараби	182
Махмудов Р. М., Пахратдинова А. К. Куролли кучлар тизимида аёл ҳарбий хизматчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш	185
Юсупов Д. Ф. Дастурлаш асосларини мантикий – структурали ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш хусусиятлари	190
Камалова М.С. Жасларды миллий идея руўхында тәрбилаўдың илимий тийкарлары, ҳәм ҳуқықый маданиятын енгизиў	193
Шамшегов Ш. С., Сапарбаев С.Ж. Акционерлик жәмийетлерди шөлкемлестириў барысында шөлкемлестириў ҳужжетлерининг әҳмийети	196
Якубов М.А. Принцип дополнительности как способ отображения единства противоположностей в квантовой физике	199
Зойиров Э. Х. Якуби Чархийнинг “Рисола дар манокӣб ва ақоид” асарида жамоа тинчлигининг фалсафий тахлили	203
Adilov Z. Kamalova M.C. Philosophical analysis of ecological issues in the teachings of judaism	207
Хожаниязова Г. М. Каракалпак тойларында ағайин-туўысқанлардың өз-ара жәрдем дәстүри мәселеси	210
Караманова Б. О системе ювенальной юстиции	213
Янгибаев А. К., Утамбетов К. П. “Хуқуқбузарликлар профилактикаси куни”ни ташкил этишда айрим хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини жорий этиш масалалари	216

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ АСОСЛАРИ

Тогаев Н. Э.

Самарқанд давлат университети

Ҳозирги кунда дунёда содир бўлаётган глобаллашув жараёнлари, турли ахборот хуружлари ва мафкуравий таҳдидлар бизни ҳамيشа огоҳ бўлишга ундамоқда. Бошқача айтганда бу дунё кураш майдонидир. Шундай шиддатли бир даврда мамлакатимизда ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, маънавий-маърифий ишларни жадаллаштириш, аجدодларимиз меросини ўрганиш, шунингдек ёшлар тарбияси бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади.

XXI аср бошқа давлатлар сингари Ўзбекистоннинг ҳам олдида ечимини топиши зарур бўлган бир қатор муаммоларни қўйди. Бу муаммоларнинг ечими бевосита ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғланган бўлиб, ёшлар эртанги куннинг яратувчилари сифатида ўзларининг миллий давлатчилиги тарихини чуқур англаб етиши, ўз қалбларида ватанпарварлик туйғуларини барқ урдириб яшашлари лозим. Шу боис ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда авваломбор ватанпарварлик муҳим эканлигини ҳеч ким унутмаслиги лозим. Бу ҳақда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир. Барчамизга яхши маълумки, ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади” - деб таъкидлаб ўтади [3: №10].

Ёшларнинг маънавий юксалиш жараёнида унинг барча ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий, маданий ва мафкуравий тасаввурлари ижтимоий тузум ва тизимларнинг таъсири туфайли шаклланиб ва ривожланиб боради. Натижада ёшлардаги соғлом, нафис жисмоний қиёфа, юксак маънавий ҳис-туйғулар, миллий тафаккур ва тушунчалар бирлиги асосида ватанпарварлик таркиб топади. Ва, ниҳоят, ёшларнинг миллий тафаккури ва ватанпарварлиги уйғунлашиб маънавий баркамолликни вужудга келтиради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий соҳадаги демократик ислохотлардан кўзланган мақсад ёшларнинг юксак маънавиятга эришувини таъминлаш, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш, ижтимоий тараққиёт жараёнида ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантириш, миллий ва умуминсоний кадриятларни ўзида мужассам этган ҳамда етук шахсни вояга етказишдир. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “...аввало юртимизда кейинги пайтда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилгани, ўғил-қизларимизнинг ижтимоий фаоллиги, Ватан ва халқ тақдирига дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётганини, замонавий, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этишда навқирон авлодимизнинг муносиб иштирок этаётганини барчамиз миннатдорлик билан эътироф этамиз” - деб таъкидлаб ўтади [2: 489].

Ёшларнинг янги жамият куриш ва янгича яшаш тарзига асосланган миллий тафаккури ва дунёқарашини шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Юртимизда олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ва маънавий ислохотларга монанд равишда тарихимиз, миллий ўзлигимиз, анъана ва меросимиз, замонавий ислохотларнинг маънавий-мафкуравий моҳиятини ёшлар онгига сингдирадиган ва ундаги ватанпарварлик, миллатпарварлик, меҳнатсеварлик ва шарқона одоб-ахлоқ, миллий маданият руҳида тарбиялай оладиган ижтимоий тараққиётни ривожлантириш доимий ва узлуксиз жараён бўлиб қолаверади. Шу боис ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда авваломбор ватанпарварлик муҳим эканлигини унутмаслигимиз лозим. Биздаги бундай миллий туйғулар бевосита аجدодларимиз томонидан яратиб қолдирилган бой тарихи ва унинг маданий мероси орқали келажакка муҳрланиб қолади. Бу ҳақда Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аجدодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва ишонаман худо хоҳласа ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз ҳам бўлади” – деб таъкидлайди [1: 415].

Ёшларнинг ватанпарварлигини ахлоқий кадрият қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда миллий руҳда тарбиялаш биринчи навбатда баркамол авлодда меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат сингари фазилатларни шакллантириш демакдир. Миллий кадриятлар эса, ўз навбатида, жамият тараққиётининг инсонийлашуви, халқнинг фаровонлиги ҳақидаги тасаввурларининг рўёбга чиқиши ва оммавийлашувида жуда катта ижтимоий аҳамият касб этади.

Бизнинг донишманд аждодларимизнинг барчаси илм-маърифатни улуғлаганлар, инсонни ахлоқли, тарбияли бўлишга, Ватанни севишга, инсонпарвар ҳамда миллатпарвар бўлишга ундаганлар. Аждодларимиз томонидан яратилган бой маънавий мерос, улкан кашфиётлар инсон дунёқараши, айниқса ёш авлод дунёқарашини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Ёш авлодда инсоний фазилатларни шакллантириш ва ривожлантиришда миллий-маънавий меросимиздан фойдаланмоғимиз лозим, чунки аждодларимиз меросида таълим-тарбия, ахлоққа доир масалалар чуқур ишлаб чиқилган. Аждодларимиз томонидан бизга қолдирилган бой миллий-маънавий мерос келажак авлоднинг тафаккури, дунёқараши миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида шаклланишида, Ватанга муҳаббат, миллатпарварлик, аждодларга муносиб фарзанд бўлиш ва уларнинг бунёдкорлик фаолиятини давом эттиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кенг авж олган комил инсон тарбияси жисмонан бакувват, ахлоқан пок, маънавий баркамол, ватанпарвар, миллатпарвар ҳамда инсонпарвар фуқароларни озод ва обод Ватан равнақи йўлида фаол шахс этиб вояга етказишга қаратилган. Ана шундай мақсадлар йўлида собитқадамлик билан ёшларнинг келажаги учун қайғуриш, уларнинг эртанги куни ёруғ ва фаровон бўлишига интилиш бугунги кун сиёсатининг ажралмас

бир қисмидир. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев шундай дейди: “Сизларга яхши маълум, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохот ва ўзгаришлар, кенг қўламли дастурлар ягона ва улуг бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, фарзандларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялашдан иборат” [2: 412].

Дарҳақиқат, бундай озод ва обод Ватан йўлидаги саъй-ҳаракатларни йилдан-йилга ривожлантириб бориш, жойларда ижтимоий ҳимоя тизимининг кучли механизмини яратиш долзарб масаладир.

Кишилиқ жамиятининг илгариланма ҳаракати натижасида қатламлараро, динлараро ва ниҳоят миллатлараро муносабатлар шаклланган. Ижтимоий муносабатлар ривожланиб бориши натижасида келажакка йўналтирилган мақсад ва манфаатлари, ижтимоий идеални ҳаракатлантирувчи кучлари асосий қатлам бўлган ёшларнинг маънавий юксалиши ижтимоий-сиёсий доираларда асосий мавзуга айланиб боради. Бу жараён ҳар бир даврда, ҳар бир мамлакат ижтимоий тараққиёти ва эртанги кунни билан уйғунлашган модернизацияни вужудга келтириб, унда яшаётган миллат, элат ва халқ вакиллари бир мақсад сари бирлаштиришга интиладиган ғоялар, мафкуралар кўринишида пайдо бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир миллат вакилидан ўз она Ватанига бўлган буюк муҳаббат ва орзу-ниятларни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилган тарихий шахслар вояга етишиб чиқишга замин ҳозирлайди. Бу ҳақда файласуф олим Садулла Отамуратов “Кўҳна тарих гувоҳ, ҳар бир миллатнинг илғор инсонлари ўз халқининг мустақиллиги ва озодлиги учун жонларини ҳам аямаганлар. Ана шундай фидойий инсонлар ўзбек миллатининг ичидан ҳам ўсиб чиқди” - дея таъкидлайди [6: 60]. Бундай инсонларнинг халқимиз озодлик йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳақида қанчадан-қанча илмий-фалсафий асарлар ёзилган.

Широқ, Спитамен, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди каби Ватанимизнинг буюк қаҳрамонлари, Амир Темур ва Мирзо Бобурдек энг йирик давлат арбоблари ва шоирларнинг султони деб ном олган, миллатимизнинг улуг зоти Алишер Навоий ҳам ўзларининг кўп қиррали фаолиятида, турли миллат ва элатларга нисбатан олиб борган давлат сиёсати ҳамда асарларида ватанпарварликни юксак даражада қадрлаган, уни амалга оширганлар.

Ёшларнинг маънавий баркамол бўлиши унинг соғлом, ақл-заковатли, маърифатли, инсонпарвар, меҳнатсевар, миллатпарвар, ватанпарвар ҳамда масъулиятлилиқ сингари фазилатларга эга бўлишини тақозо этади. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов бу борада шундай деган эди: „Биз ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ёшларимизга бир ҳақиқатни, яъни, „Эй болам, сенинг Ватанинг битта – барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарининг ҳоқи шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдақлар, нуруний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлик адо этишингга боғлиқ“ деган тушунчани уларнинг қалбига, онгу шуурига сингдиришимиз даркор“ [5: 273].

Бугунги кунда демократик ва фуқаролик жамиятида яшаб фаолият кўрсатаётган ёшларнинг турмуш тарзи, ҳаёт кечириши, хушмуомала бўлиши, меҳнатга, касб-хунарга нисбатан фидойилиқ кўрсатиши замон талаб этадиган миллий маданиятнинг ахлоқий тарбия меъёрларига мос келишидан далолатдир. Ахлоқий ва миллий тарбия натижаси бўлган ёшларда янгича тафаккур маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришда жамият ва жамоатчилик, таълим-тарбия тизими, адабиёт ва санъат аҳли олдида улкан вазифалар мавжуд. Ваҳоланки, баркамол авлод тарбиясида ёшлар фазилатларининг миллий тараққиёти, унда биринчи ўринда маънавий-маърифий ва руҳий жиҳатлар, муҳит, фаолият ва муносабатларнинг инсонийлашувида катта аҳамият касб этади.

Ёшларда замонавий дунёқарашни шакллантириш, миллий руҳда тарбиялаш ва уларни олижаноб ҳис-туйғулар билан камол топтириб бориш маънавий баркамолликка етишишдаги биринчи қадамдир. Бундай ёш авлоддаги юксак маънавий фазилатлар қандайдир ғайритабиий кучлар ёки тақдирнинг инъоми эмас, у ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳалари, маънавий ворислик ва муайян давр, жамият таълим-тарбия тизимининг, оила ва муҳитнинг маҳсулидир. Ёшларнинг ватанпарварлиги ва маънавий юксалиш жараёнида унинг барча ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий, маданий ва мафкуравий тасаввурлари ижтимоий тузум ва тизимларнинг таъсири туфайли шаклланиб ва ривожланиб боради. Маънавий-маърифий жиҳатдан камол топган ёшлар демократик ислохотларни истеъмолчисигина бўлиб қолмай, уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади.

Демак, ёшларнинг маънавий баркамол бўлиши унинг соғлом, ақл-заковатли, маърифатли, инсонпарвар, меҳнатсевар, миллатпарвар ҳамда масъулиятлилиқ сингари фазилатларга эга бўлишини тақозо этади.

Ўзбек халқи миллий-маънавий мероси ўзининг бойлиги, ҳаётийлиги билан ҳам жаҳон цивилизациясида алоҳида ўринга эга. Ҳозирги кунда аجدодларимиз эришган ютуқларнинг умумжаҳон томонидан эътироф этилиши, аввало ёшларда ўз халқига муҳаббат, ҳурмат туйғуларини шакллантиради, уларда миллий ифтихор туйғусини яратади, ўзлигини чуқурроқ англаб олишга имкон беради. Бу ҳақда Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов: „Кишилиқ тарихи пайдо бўлганидан буён, минг йиллар давомида ҳар қандай мамлакатнинг, ҳар қандай миллатнинг, ота-она бўлиш бахти насиб этган ҳар қандай инсоннинг энг мўътабар орзуси, астойдил интилган асосий мақсади – соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказишдан иборат бўлиб келган“ - деб таъкидлайди [4: 425].

Хулоса қилиб айтганда ёшларни Ватаннинг эртанги истиқболини ўйлаб тинимсиз меҳнат ва ижод қиладиган, ўзида дахлдорлик ҳиссини туядиган ватанпарварликни шакллантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Юртимизда олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ва маънавий ислохотларга монанд равишда тарихимиз, миллий ўзлгимиз, анъана ва меросимиз руҳини, замонавий ислохотларнинг маънавий-мафкуравий моҳиятини ёшлар онгига сингдирадиган ва уларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва шарқона ахлоқ-одоб,

миллий маданият руҳида тарбиялай оладиган маданий тараққиётни ривожлантириш доимий ва узлуксиз жараён бўлиб қолаверади.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Озод ва обод ватаннинг баркамол фарзлари // Миллий тараққиёт йўлимида қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. Т.: „Ўзбекистон“, 2018.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т. 2. Т.: „Ўзбекистон“, 2018.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқ сўзи. 2017 йил. 14 январ. №10.
4. Каримов И.А. Соғлом авлод тарбияси – барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиз. // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. Т.: „Ўзбекистон“, 2000.
5. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва ҳавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ // Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. Т.: „Ўзбекистон“, 2004.
6. Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. - Т.: Akademiya, 2005.

*Жасларды Ўатансўйишлик руўхында тарбиялаўдың идеялық ҳәм идеологиялық тийкарлары
Тогаев Н.Э. Самарқанд мамлекетлик университети*

Резюме. Мақалада бүгунги глобаллашув асрида мамлекетимизде өсип киятырган жас аўладты Ўатансўйишлик руўхында тарбиялаў лозимлығы баян етилген. Соның менен биргеликте оларды миллий ҳәм улыўма инсаныйлық қадриятларды өзінде жәмлеген ҳәр тәрәплеме мәнаўий кәмил ҳәм де Ўатансўйишлик руўхында тарбиялаўдың идеялық идеологиялық тийкарлары социаллық-философиялық тәрәптен ашып берилген.

Таяныш сөзлер: жаслар, тарбия, Ўатансўйишлик, руўхый жетиклик, идеология, социаллық раўажланыў.

*Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ғоявий-мафқуравий асослари
Тогаев Н. Э. Самарқанд давлат университети*

Резюме. Ушбу мақолада бугунги глобаллашув асрида мамлакатимизда улғайиб келаётган ёш авлоди ватанпарварлик руҳида тарбиялаш лозимлиги баён этилган. Шу билан биргеликте уларни миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган ҳар томонлама маънавий баркамол ҳамда ватанпарвар қилиб тарбиялашнинг ғоявий-мафқуравий асослари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ёритилиб берилган.

Калит сўзлар: ёшлар, тарбия, ватанпарварлик, маънавий юксалиш, мафкура, ижтимоий тараққиёт.

*Идеологическая основа воспитания молодежи в патриотическом духе
Тогаев Н. Э. Самаркандский государственный университет*

Резюме. В данной статье описывается о необходимости воспитания подрастающего поколения в нашей стране в духе патриотизма в современный век глобализации. В то же время с социально-философской точки зрения выделяются идейно-идеологические основы воспитания их всесторонне нравственно совершенными и патриотическими во всех отношениях, воплощающими национальные и общечеловеческие ценности.

Ключевые слова: молодежь, воспитание, патриотизм, духовный рост, идеология, социальное развитие.

*Ideological basis of educating youth in patriotic spirit
Togaev N. E. Samarkand state university*

Summary. This article describes the necessity of upbringing the rising generation in our country in the spirit of patriotism in the modern age of globalization. At the same time from the socio-philosophical point of view the ideological foundations of educating them comprehensively morally perfect, and patriotic in all respects, embodying national and universal values are highlighted.

Key words: youth, education, patriotism, spiritual growth, ideology, social development.

MILLATLARARO BAG'RIKENGLIK MADANIYATDA AXLOQ TAMOYILLARINING IJTIMOIIY XUSUSIYATLARI

Xoliqov Y. O.

Samarqand davlat chet tillar instituti

KIRISH. Maqolada millatlararo totuvlik g'oyasiga nisbatan O'zbekistonda barcha milatlarning birlashib, milliy g'oya negizida faoliyat olib borayotganligi, bu tushnchaning mohiyati, jamiyatdagi shakllanish tendensiyalariga alohida e'tibor qaratilgan. Shu boisdan jahonda ayni paytda millatlar o'rtasida turlicha nizolar kehayayotgan bir davrda yurtimizda bu islohotlar ko'pni ko'rgan oqil, donishmand xalqimizning o'g'itlari asosida olib borilayotganligi aks etgan.

Yangi O'zbekistoning barcha jabhalarda millatlararo bag'rikenglik madaniyatini rivajlantirish maqsadida "birorta ham yoshlarning e'tiboridan chetda qolmaslik" tamoyili belgilab qo'yildi.

TAHLILLAR VA NATIJALAR. Yangi O'zbekiston o'z oldiga dyemokratik davlatni barpo etish, fuqarolik jamiyatini vujudga kyeltirishni oliy maqsad qilib qo'ygan. Unga erishishning yagona yo'li, O'zbekistonda istiqomat qilayotgan barcha milat, elat vakllarida millatlararo bag'rikenglik madaniyatini axloqiy fazilatlarini demokratik jarayonlarni chuquurlashtirishdir. Har bir xalqning turmush tarzi, tafakkur tarzi, milliy madaniy, tarixiy an'analari, hayotga munosabati va boshqa jihatlaridan kyelib chiqib, millatlararo bag'rikenglik madaniyatining axloqiy tamoillariga xos tarzda yondashadi. Shu ma'noda, O'zbekiston Respublikasining Prezidenti Sh.Mirziyoyev o'z ma'ruzalaridan birida millatlararo totuvlikni ta'minlash davlatning kechiktirib bo'lmaz vazifasi sifatida e'tirof etib shunday deydi: "Bugungi kunda mamlakatimizda 130 dan ortiq millat va elat vakillarining tinch-totuv xayot kechirayotgani - istiqlol davrida erishgan eng muhim yutuqlarimizdan biridir desam o'ylaymanki, barchangiz bu fikrga qo'shilasiz. Millatlararo totuvlikni ta'minlashda mamlakatimizda faoliyat yuritayotgan 138 ta milliy madaniy markazning o'rni beqiyos. Aynan shu nuqtai